

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ЭТИКАСИ

Рихсибоев Икром Мирзарустамович,
физика-математика фанлари номзоди, доцент в. б.,
“Докторантура ва илмий ишлар” факультети декани

Тошкент шаҳридаги халқаро Вестминстер Университети

Муҳаммаджонова Лалихон Ашуралиевна,
фалсафа фанлари номзоди, профессор в. б.,
“Ижтимоий фанлар” факультети “Этика ва эстетика” кафедраси мудири

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Аннотация. Бугунги кунда Ўзбекистонда илм-фан, таълим ва рақамли иқтисодиёт масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Шу маънода этиканинг муҳим тармоғи бўлган илмий тадқиқот этикасига (ИТЭ) эътиборли бўлиш давр талабидир. Илмий тадқиқот этикаси нафақат маъмурий қоидалар, балки олимларнинг илмий фаолиятида роя қилинадиган, фан ривожланишини таъминлайдиган ахлоқий тамойил ва тушунчалар тўпламидир. Юртимизда бу борада қилиниши керак бўлган ишлар талайгина. Ушбу мақолада бугунги кунда Ўзбекистонда олий таълим муассасалари, илмий текшириш институтлари ва умуман, илмий изланувчилар фаолиятида илмий тадқиқот этикасининг аҳамияти ва зарурати борасида фикр юритилган. Шунингдек, илмий тадқиқот этикаси кенгашининг вазибалари ва ИТЭнинг асосий тамойиллари келтирилган. Бу борада дастлабки босқичда амалга оширилиши керак бўлган ишлар хусусида таклифлар берилган.

Таянч тушунчалар: илмий тадқиқот этикаси, этика кенгаши, этика тамойиллари.

НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКАЯ ЭТИКА В УЗБЕКИСТАНЕ

Рихсибоев Икром Мирзарустамович,
кандидат физико-математических наук, и. о. доцента,
декан факультета “Докторантура и научные исследования”

Международный Вестминстерский университет в Ташкенте

Мухаммаджонова Лалихон Ашуралиевна,
кандидат философских наук, и. о. профессора,
заведующий кафедрой “Этика и эстетика” факультета “Социальные науки”

Национальный университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека

Аннотация. В Узбекистане уделяется большое внимание развитию науки, образования и цифровой экономики. Важно обратить внимание на вопросы этики научных исследований (ЭНИ), которая является необходимой составляющей этики в целом. Этика научных исследований – это не только административный свод правил, но и набор этических принципов и концепций, которым следуют в научной деятельности и обеспечивают развитие науки. В этом направлении у нас достаточно много работ, требующих внимания. В этой статье обсуждается важность и необходимость ЭНИ в деятельности высших учебных заведений, научно-исследовательских институтов и исследователей в целом в Узбекистане. Проанализированы обязанности совета по ЭНИ и основные принципы ЭНИ. Авторы делятся своими предложениями, требуемыми действиями в этом направлении на начальном этапе.

Ключевые слова: этика научных исследований, комитет по этике, принципы научной этики.

RESEARCH ETHICS IN UZBEKISTAN

Rikhsiboev Ikrom Mirzarustamovich,

Candidate of Physical and Mathematical Sciences, Associate professor,
Dean of Graduate School and Research

Westminster International University in Tashkent

Mukhammadzhonova Lalikhon Ashuralievna,

Candidate of Philosophical Sciences, Associate professor,
Head of the Department of Ethics and Aesthetics, Faculty of Social Sciences

National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

Annotation. *Uzbekistan pays great attention to the development of science, education and the digital economy. In this regard, it is important to consider the issues of Research Ethics (RE), which is an essential constituent of ethics itself. The ethics of scientific research is not only an administrative set of rules, but also a set of ethical principles and concepts that are followed by scientists to ensure the development of science. The article discusses the importance and necessity of research ethics for higher education institutions, research institutes and researchers in Uzbekistan. The responsibilities of the Research Ethics Committee and the basic principles of research ethics have been discussed. Recommendations to be implemented at the initial stages of research ethics development were proposed.*

Keywords: *research ethics, ethics committee, principles of research ethics.*

Кириш

Инсон камолоти кўп қирралидир. Унинг буюклиги маънавий камолот даражаси билан белгиланади. Етук маънавиятга эга бўлган инсонгина жамият муаммоларини ақли ва заковати билан еча олади. Инсонларга хос бўлган ахлоқ меъёрлари жамият тараққиёти ва ҳаётий эҳтиёжлар таъсирида ўзгариб туради. Таълим-тарбия, ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиши инсонларнинг хатти-ҳаракатлари, улар ўртасидаги муносабатларни маънавият билан боғланмаган табиий эҳтиёжлар ва имкониятлар чегарасидан тобора узоқлаштириб боради.

Маълумки, ахлоқ маънавиятнинг амалда намоён бўлишидир. Инсондаги билим, дунёқараш, идрок ва иймон унинг хулқида ўзига хос тарзда акс этиб, маънавияти ахлоқий фазилатлар сифатида кўринади. Маънавият – кўринмас, ботиний қудрат бўлса, ахлоқ бевосита ҳар бир шахснинг ўзгаларга нисбатан маънавий муносабатини англатади. Шу сабабли ахлоқ инсоф ва адолат туйғуси, иймон ва ҳалоллик каби муқаддас тушунчаларни

инсон амалий фаолиятида юзага чиқарувчи ҳодисадир.

Таъкидлаш зарурки, ахлоқ йўқ жойда инсон ижтимоий шахс сифатида шаклланмайди. Фақат ахлоқ заминидagina инсонларда ҳаётнинг мазмуни ва мақсади, жамият олдидagi бурчи ва масъулияти ҳамда бошқа ахлоқий тушунчалар ва нормаларга муайян муносабат шаклланади.

Бу муносабат умуминсоний қадрият ҳисобланиб, буни қуйидаги иқтибослар ҳам тасдиқлайди: “Этика ҳаётимизнинг деярли барча жабҳаларини қамраб олган бўлиб, тиббиёт, журналистика, ишбилармонлик, тадбиркорлик, бошқарув, бизнес, адвокатлик, педагогик ва оила этикаси каби тушунчаларга кўп дуч келамиз” [1, 2, 3, 4, 5, 6, 7].

Асосий қисм

Биз ўрганмоқчи бўлган муаммо ҳам этика илмига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, бизда тўлиқ ўрганилмаган. Ўзбекистонда илм-фан, таълим ва рақамли иқтисодиёт масалаларига катта эътибор қаратилар экан, этиканинг яна бир муҳим тармоғи бўлган **илмий тадқиқот**

этикасига (ИТЭ) бефарқ бўла олмаймиз.

Илмий тадқиқотлар этикаси дастлаб XX асрнинг 40-йилларида Нюрнберг ҳарбий трибунали томонидан тадқиқот иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида "Нюрнберг кодекси"ни ишлаб чиқиш орқали муомалага киритилган. Кодекс, асосан, тиббиёт соҳасидаги тадқиқотларни бошқариш учун ишлаб чиқилган ва 1964 йилда қабул қилинган тиббий тадқиқотлар учун этика қоидаларини ўргатувчи Хелсинки декларациясининг асосига айланди [8].

Илмий тадқиқот этикаси, асосан, тиббиёт фанларида олиб бориладиган тадқиқотларга кенг татбиқ этилса-да, ҳозирги кун илм-фанида ҳам жуда муҳим аҳамият касб этади [9].

Бирор-бир соҳага янгилик киритиш, мавжуд билимларни ривожлантириш, технологияни такомиллаштириш, маҳсулот ёки хизмат сифатини ошириш, янги хизмат турлари ва маҳсулотлар яратиш мақсадида олиб бориладиган илмий тадқиқот ишлари кўп ҳолларда этика масалаларига бориб тақалади [1, 5, 10, 11].

Агар илмий тадқиқотга руҳий носоғлом инсонлар, ногиронлар, етимлар, балоғат ёшига етмаган болалар, ижтимоий ночор аҳоли вакиллари, турли миллат, элат ёки дин вакиллари жалб қилинса, илмий тадқиқот этикаси масаласи муҳим омил ҳисобланади ва бунда тадқиқотчилар илмий тадқиқот этикаси низоми талабларига қатъий риоя қилиши талаб этилади.

Тадқиқотчилар тўпланган маълумотларнинг ҳеч бирини суиистеъмол қилмаслиги ва уларнинг иштирокчилар олдида маълум маънавий жавобгарлиги бўлиши керак. Тадқиқотда иштирокчиларнинг ҳуқуқлари, шунингдек, уларнинг шахсий ҳаёти ва дахлсизлигини ҳимоя қилиш мажбурияти бор. Сўровнома ва интервьюда иштирок этган иштирокчилар тўғрисидаги маълумотлар дахлсизлиги ва уларнинг махфийлиги сақланиши лозим.

Албатта, илмий тадқиқот этикаси фундаментал ахлоқий тушунчалар ва

тамойилларнинг илмий тадқиқот жараёнида қўлланилишига замин яратади. Хусусан, агар илмий тадқиқот иши маълумотлар тўплаш, сўровнома ўтказиш, тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш, ҳисобот бериш ва нашрга тайёрлаш жараёнларида инсонлар ва уларнинг шахсий ҳаёти ёки ҳайвонлар устида тажриба ўтказишга мўлжалланган бўлса, илмий тадқиқот этикаси тушунчалари ва тамойилларига мурожаат қилинади.

Инсон маънавий маданиятининг асосий мезони ахлоқий етуклик ҳисобланади. Ахлоқий етуклик эса ўзида ҳалоллик, инсофлилик, виждонийлик, саховатпешалик, шафқатлилик, меҳрибонлик сингари ахлоқий фазилатларни муҳассам этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, илмий тадқиқот этикасида бурч асосий тушунча ҳисобланади. Чунки бурч, моҳиятан, жамият, давлат ва шахсларга нисбатан муайян индивиддаги муносабат, улар олдидаги мажбуриятдир. У виждон, эътиқод, масъулият каби тушунчалар билан чамбарчас боғлиқ. Умуман, ҳаётда инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати замирида бурч тушунчаси, бурчга садоқат ёки хиёнат ётади. «Бурч адо этилиши, бажарилиши мажбурий бўлган вазифа, мажбуриятдир». Демак, бурч – қилиниши шарт бўлган иш, вазифа ҳамда бирор-бир хатти-ҳаракат учун жавобгарлик ҳиссидир.

Илмий тадқиқот ўтказиш учун этика муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, кўпгина халқаро ташкилотлар, уюшмалар, давлат идоралари, университетлар ва илмий текшириш институтлари илмий тадқиқот этикаси билан боғлиқ махсус қоида ва йўриқномалар ишлаб чиқишган [8, 9, 12]. Аксарият мамлакатлар ташкилотлари томонидан молиялаштирилган илмий тадқиқотлар ва лойиҳалар учун **Илмий тадқиқот этикаси низоми** мавжуд. Бу низомда илмий фаолият олиб бораётган шахс уни виждонан адо этиши зарурлиги белгилаб қўйилган.

Илмий тадқиқот этикасини амалиётга татбиқ этган ташкилот ва муассасалар санокли. Улар ҳам халқаро талаблар асосида фаолият олиб боради

дея олмаймиз.

Виждон илмий тадқиқот этикасида ниҳоятда таъсир доираси кенг категориялардан бири бўлиб, у инсоннинг ўз фаолияти, қилган ишлари ва белгиланган мақсадларини руҳий таҳлил эта олиш имкониятидир. Инсон маънавиятининг кучи ва қудрати ҳам ўз қилмишига ўзи холисона баҳо бера олиш даражаси билан белгиланади.

Илмий тадқиқот олиб бораётган олим виждонига қулоқ солиб, ўз бурчини садоқат билан бажарса, ҳаромдан ҳазар қилиб, ўзгалар ғоясини ўзлаштирмаса, кўчирмакашликка йўл қўймаса, олимларнинг бир-бирлари билан муносабатида камтарлик ва бағрикенгликка амал қилса, мақсадга мувофиқдир. Буларнинг барчасини мувофиқлаштириб туриш учун эса, албатта, **Илмий тадқиқот этикаси кенгаши**ни ташкил қилиш лозим. Хорижда бундай кенгашлар фаолияти аллақачон йўлга қўйилган. Жумладан, илмий тадқиқот натижалари ва улардан келиб чиқадиган оқибатлар тадқиқотчининг масъулияти ҳисобланса-да, ҳар бир ташкилот ёки муассаса ўз изланувчиларига илмий тадқиқот олиб бориши, тадқиқот учун керак бўладиган сўровнома ёки суҳбат ўтказиши, ишончли маълумотлардан фойдаланиши, тадқиқот ишлари хавфсизлигини таъминлаши учун шарт-шароит яратиб бериши зарур [12,13]. Бунинг учун илмий тадқиқот этикаси низомини ишлаб чиқиш, “Илмий тадқиқот этикаси кенгаши” (ИТЭК/қўмитаси) таркибини шакллантириш, тадқиқотчилар учун семинар тренинглар ташкил этиб, илмий тадқиқот этикаси мавзусида маълумот бериш ва билимларини мустаҳкамлаш даркор.

Илмий тадқиқот этикаси кенгаши илмий тадқиқот институти, олий таълим муассасаси, давлат ёки халқаро ташкилотлар таркибида бўлиб, кенгаш фаолияти мазкур ташкилот ёки давлат қонунлари асосида ишлаб чиқилган низом асосида тартибга солинади ва назорат қилинади. Нодавлат ёки хусусий ташкилотлар ҳам илмий тадқиқот ишларини олиб боришда этика масалаларига дуч

келиши мумкин.

Илмий тадқиқотларни этика нуқтаи назаридан қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Илмий тадқиқот олиб борилаётган муассаса доирасида этика кенгашидан ўтиши керак бўлган илмий тадқиқот ишлари.

2. Ҳамкор ташкилотлар этика кенгаши рухсати талаб этиладиган ишлар. Агар илмий тадқиқотга бошқа ташкилот ёки муассасалар ходимлари, маблағлари ва маълумотлари жалб қилинса, бундай ишлар мазкур ҳамкор ташкилотлар этика кенгаши тасдиғидан ўтиши талаб этилади.

3. Этика кенгашида кўриб чиқиш шарт бўлмаган илмий тадқиқот ишлари.

ИТЭКнинг асосий вазифаси тадқиқотга жалб этилган инсонлар хавфсизлигини таъминлаш, шахсий маълумотлар дахлсизлигини кафолатлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, тўпланган маълумот ва тадқиқот натижаларидан бошқа мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш, тадқиқотга жалб этилган инсонлар ёки ҳайвонларга жисмоний, руҳий, ижтимоий ёки иқтисодий хатарларнинг олдини олишдан иборатдир. Шунингдек, кенгашга келиб тушган аризаларни кўриб чиқиш жараёнининг шаффофлигини таъминлаш, уларга белгиланган муддатда расмий жавоб қайтариш, кўриб чиқилган ишлар ва кенгаш ҳулосалари ҳисоботларини юргизиш, мажлис баённомасини расмийлаштириш ва белгиланган муддатни сақлаб бориш ҳам ИТЭКнинг муҳим вазифаларидан саналади.

Кенгаш фаолияти ҳомийлар, сармоядорлар, кенгаш аъзоларидан ташқари шахслар, мансабдор шахсларнинг аралашувидан мустақил бўлиши талаб этилади. Келиб тушган аризалар низом асосида кўриб чиқилади ва ҳулоса берилади, манфаатлар тўқнашуви, шахсий адоватдан холи бўлишини таъминлаш ва профессионал ҳисобдорлик асосида иш юритилади.

ИТЭКга тегишли соҳада узоқ йиллик тажриба, чуқур билим ва малакага эга, илмий ишнинг ахлоқий, илмий ва молиявий жиҳатларини баҳолай оладиган, те-

гишли хулоса бериш салоҳиятига эга бўлган етук мутахассислар жалб этилади. Кенгаш таркиби ва фаолият олиб бориш муддати ташкилот имкониятлари, ресурслари ва тартиб қоидалари асосида белгилаб қўйилади.

Илмий тадқиқот этикаси тамойиллари тадқиқотни масъулиятли олиб бориш учун тадқиқотчига тўғри йўналиш ва кўрсатмалар беради [8, 14]. Бундан ташқари, у юқори ахлоқий меъёрни таъминлаш учун тадқиқотлар олиб бораётган олимларнинг билим ва кўникмаларини шакллантиради. Қуйида илмий тадқиқот этикаси асосий тамойиллари келтирилган бўлиб, уларга амал қилиш тадқиқотчи учун бирламчи вазифадир.

Ҳалоллик-хаққонийлик. Бу принцип маълумотлар, илмий натижалар, усуллар, процедуралар ва илмий нашрнинг ҳолати тўғрисида хаққоний хабар беради, маълумотларни сохталаштириш ёки нотўғри тақдим этишнинг олдини олади ҳамда илмий тадқиқотга жалб этилган томонларнинг келишилган шартнома шартлари бажарилишини таъминлайди.

Объективлик. Экспериментал дизайн, маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва шарҳлаш, ходимларнинг қарорлари, илмий грант ҳужжатлари, эксперт гувоҳлиги ва тадқиқотнинг бошқа жиҳатларида ноҳолисликнинг олдини олади.

Эҳтиёткорлик. Илмий тадқиқот даврида эҳтиётсизлик ва хатоларга йўл қўймасликнинг олдини олади. Тадқиқот ишини синчковлик ва танқидий кўриб чиқишга имкон беради. Илмий тадқиқот фаолиятининг низом асосида бажарилишини таъминлайди.

Очиқлик (шаффофлик). Маълумотлар, натижалар, ғоялар, воситалар, манбалар ва тадқиқот усуллари бошқа тадқиқотчилар билан баҳам кўришга имкон яратади. Илмий иш ва унинг натижалари борасида билдирилган танқидий фикрлар ва янги ғояларни кўриб чиқиш талаб этилади.

Интеллектуал мулк. Патентлар, муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкнинг бошқа шакллари хурмат қилишни таъминлайди. Чоп этилмаган маъ-

лумотлар, усуллар ёки натижалардан рўхсатсиз фойдаланмасликни талаб этади.

Махфийлик. Нашр қилиш учун тақдим этилган ҳужжатлар ёки грантлар, шахсий маълумотлар, савдо ёки ҳарбий сирлар ва беморларнинг касаллик тарихи каби махфий маълумотларни ҳимоя қилишни кафолатлайди.

Чоп этиш масъулияти. Илмий натижалар мартаба ошириш учун эмас, балки илм-фан ва технологияни ривожлантириш, кенг жамоатчиликни хабардор этиш учун нашр этилади. Такрорланадиган нашрлар ва кўчирмачиликдан эҳтиёт бўлиш талаб этилади.

Илмий раҳбарлик масъулияти. Илмий тадқиқот ишларига талабалар жалб қилинса, уларга мураббийлик қилиш ва маслаҳат бериш масъулияти юзага чиқади. Битирув малакавий ишларида этика масъулияти илмий раҳбарга юкланади.

Ўзаро ҳурмат. Илмий тадқиқот фаолияти мобайнида ҳамкасблар ва лойиҳа иштирокчиларига ҳурматда бўлиш ҳамда адолатли қарорлар чиқариш талаб этилади.

Ижтимоий жавобгарлик. Тадқиқотлар, таълим ва тарғибот ишлари орқали ижтимоий ривожланишга эришиш ҳамда ижтимоий зарарни камайтиришга ундайди.

Тенглик. Ҳамкасблар ва талабаларга жинси, ирқи, этник келиб чиқиши ёки илмий ваколати ва яхлитлиги билан боғлиқ бўлмаган бошқа омиллар асосида камситилишдан сақланишни талаб этади.

Рақобатбардошлик. Шахсий билим, касбий маҳорат ва тажрибани илмий тадқиқот олиб бориш орқали доимий ривожлантириш ҳамда илм-фан соҳасидаги янгиликлардан хабардор бўлиб боришни талаб этади.

Қонунийлик. Тегишли давлат қонунлари, ҳукумат сиёсати, мавжуд низомларни билиш ва уларга риоя қилишни кафолатлайди.

Ҳайвонлар ҳимояси. Илмий тадқиқот даврида ҳайвонларга яхши муносабатда бўлиш, ғамхўрлик кўрсатиш, кераксиз ёки ноқонуний тажрибалар ўтказмасликни талаб этади.

Инсон ҳуқуқлари. Илмий тадқиқот

ўтказишда жалб этилган инсонлар хавфсизлиги, қадр-қиммати, шахсий маълумотлари дахлсизлиги, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишга ундайди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, Ўзбекистонда илмий тадқиқотга алоқадор ҳар бир изланишларнинг халқаро талаблар асосида олиб борилишини таъминлаш, келажакда юзага келиши мумкин бўлган ноҳушликларнинг олдини олиш, илмий тадқиқотчиларга қулайликлар яратиш, тадқиқот иштирокчилари дахлсизлиги, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Халқаро ИТЭ талабларини ўрганиш ва амалиётга қўллаш имкониятларини кўриб чиқиш;

2. ИТЭ борасида Ўзбекистон қонунчилигини пухта ўрганиш ва зарурат бўлса тегишли ўзгартиришлар киритиш;

3. Тегишли ташкилот ва муассасаларда илмий тадқиқот этикаси низомини ишлаб чиқиш (соҳалар кесимида) ва амалиётда қўллаш;

4. Илмий тадқиқот этикаси кенгашини ташкил этиш ва фаолиятини назорат қилиш;

5. ИТЭ мавзусида тадқиқотчилар учун семинар тренинглар ташкил этиш.

Келтирилган таклифларнинг амалга оширилиши нафақат юқорида санаб ўтилган масалалар ечимини беради, балки Ўзбекистонда илмий ишлар равнақи, илмий мақолалар сони ва сифати ошиши, халқаро майдонда илмий нуқтаи назардан давлат нуфузини юқорига кўтариш, илмий тадқиқотчиларда илмий тадқиқотга бўлган қизиқишнинг юксалиши, қонун устуворлигига эришиш, инсонлар ва жонзотларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояланишига хизмат қилади.

Манба ва адабиётлар

1. Журналистика ҳуқуқи ва касб этикаси: Фан дастури // Адвокатнинг касб этикаси қоидалари, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг II Конференциясининг 2013 йил 27 сентябрдаги қарори. – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети [Электрон манба]. – URL: <http://uzswlu.uz/media/a0fbde92-6ecc-5ce8-469d-f5c25338ccf7.pdf/> (мурожаат санаси: 10.12.2020).

2. Ислоҳотлар даврида оммавий ахборот воситалари: ахборот трансформацияси ва касб этикаси муаммолари. – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги [Электрон манба]. – URL: https://www.minjust.uz/uz/library/own_publications/98022/?INVERT=Y/ (мурожаат санаси: 10.12.2020).

3. Муҳаммаджонова Л.А. Давлат хизматчиси этикаси ва имижси. – Т.: Университет, 2017. – 185 б.

4. Педиатрлар тадқиқотининг этика қўмитаси. Тадқиқот ахлоқ қўмиталари: "Қарши" ва "бемараф" фикрлар [Электрон манба]. – URL: <https://studiorespect.ru/uz/komitet-po-etike-ped-issledovaniya-komitety-po-etike-nauchnyh-issledovaniy.html/> (мурожаат санаси: 10.12.2020).

5. Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси кодекси // Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси. – 2019 [Электрон манба]. – URL: <https://journalist.uz/n/7802/> (мурожаат санаси: 10.12.2020).

6. Двойнин А.М. Этический аспект университетских научных исследований в области педагогики // Вестник Омского государственного педагогического университета. – 2019 [Электронный ресурс]. – URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/eticheskiy-aspekt-universitetskih-nauchnyh-issledovaniy-v-oblasti-pedagogiki/> (дама обращения: 10.12.2020).

7. Ethical principles for medical research involving human subjects // World medical association declaration of Helsinki 1974, updated in 64th WMA General Assembly, Fortaleza, Brazil, October 2013 [Electronic resource] – URL: <https://www.wma.net/policies-post/wma-declaration-of-helsinki-ethical-principles-for-medical-research-involving-human-subjects/> (date of treatment: 10.12.2020).

8. Resnik D.B. What is Ethics in research and why is it important? – 2015 [Electronic resource] – URL: <https://www.niehs.nih.gov/research/resources/bioethics/whatis/index.cfm/> (date of treatment: 10.12.2020).

9. Ўзбекистонда хорижий тиллар// Электрон журналида материал чоп этиш этикаси [Электрон манба]. – URL: <https://journal.fledu.uz/uz/etika-qoidalari/> (мурожаат санаси: 10.12.2020).

10. Аламасов В., Мамадалиев Ш. Илмий тадқиқот: методология, методика, ижодиёт. – 2015 [Электрон манба]. – URL: <http://akadmvd.uz/wp-content/uploads/2015-oq-ilmiy-tadqiqot-alemasov-uz.pdf/> (мурожаат санаси: 10.12.2020).

11. Харламов В.Э., Харламова Т.М. Этика научного исследования: зарубежный опыт // Фундаментальные исследования. – 2014. – № 5-2. – С. 402-405 [Электронный ресурс]. – URL: www.fundamental-research.ru/ru/article/view?id=33890/ (дата обращения: 10.12.2020).

12. Комитеты по этике научных исследований [Электронный ресурс]. – URL: www.eurati.eu/ru/клинические-исследования-и-испытания/комитеты-по-этике-научных-исследований/ (дата обращения: 10.12.2020).

13. 2019–2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь ПҚ-4358-сонли қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.06.2019 й., 07/19/4358/3308-сон [Электрон манба]. – URL: <https://lex.uz/docs/4380624/> (мурожаат санаси: 10.12.2020).

Тақризчи:

Хўжаев М.И., фалсафа фанлари доктори, Ўзбекистон Халқаро Ислом академияси ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси.